

## **Мавзу: ЕР ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ РЕЖА:**

- 1.Ер ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва уларнинг  
умумий тавсифи.**
- 2.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ер  
ҳуқуқининг асосий манбаси .**
- 3.Ўзбекистон Республикаси қонунлари ер  
ҳуқуқининг манбаси сифатида.**
- 4.Ўзбекистон Республикаси қонун ости  
мезъерий хўжоатлари ер ҳуқуқининг манбаси  
сифатида.**

Ер ҳуқуқининг манбалари тизимида қонун ости меъёрий хужжатларнинг тутган ўрни бекиёсдир. Конун ости меъёрий хужжатларимизнинг асосий мақсади ва вазифаси, конституциявий тамойиллар, қонунларда белгиланган махсус қоида-талабарни амалда қўлланилишини осонлаштириш, маъмурий ҳудудларнинг табиий холати асосида меъёрий қоида-талабарни белгилаш, уларнинг хаётийлигини таъминлаш ва асосий қоида-талабарни барча юридик ва жисмоний шахсларга етказишдан иборат бўлади.

Ер ҳуқуқининг қонун ости меъёрий хужжатлари хам мураккаб тизимга эга бўлиб, ерга оид меъёрлар доираси, қўлланилиши тартиби, амал қилиш муддати, хам да марказий ва махсус давлат бошқарув органлари, махаллий давлат хокимият органлари томонидан қабул қилиш ахамият ига кўра қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари.
- Вазирлар Махкамасининг қарорлари.
- Махсус ваколатли давлат бошқарув органларининг меъёрий хужжатлари (қарор, низом, йўриқнома, тартиб, норматив, стандарт ва бош.лар).
- Махаллий давлат хокимиият органларининг меъёрий хужжатлари.